

**Наманганда жадидчилик ҳаракати ривожида Макаевлар
хиссаси**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музеи Адабиёт
бўлими муддири Нигораҳон Мўминов*

Жадидчилик (арабча янги) – XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, Крим, Кавказ, Волгабўйи худудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа ва тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиқсан ижтимоий-маърифий ҳаракат.

Жадидчиликни шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилари фаол қатнашган. Жамиятни ўртаасрчилик иллатлари, маданий қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, халқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади эди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Паҳлавон Ниёз Ҳожи, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар» ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган. Бу ҳаракат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, XIX аср бошларида мавжуд бўлган диний ислоҳотчиликдан фарқ қиласди. Оғаҳий, Нодира, Аҳмад Дониш, Турди, Махмур, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлоднинг қарашлари асосан маърифатпарварлик тамойилига таянар эди. Жадидлар эса нафақат маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан бордилар.

Жадидчилик ҳаракати ривожини уч босқичга ажратиш мумкин:

1) XIX асрнинг 80-йил охирида мамлакатимизда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлди. Тошкентда – Мунавварқори ва Авлоний; Самарқандда – А.Мунзим, С.Азизий, Мулла Қилич; Бухорода – Жўрабой

Махсум; Қўқонда – Ҳамза; Наманганда – Сўфизода ва Ибрат каби олимур фузалолар мактаб очиш, ноширлик, саводхонликни ошириш борасида муҳим ишларни амалга оширидилар. Бу жараён I жаҳон урушигача давом этди. Бутун мамлакат бўйлаб кўплаб жадид мактаблари фаолият олиб борди. Шунингдек, матбаачилик, ноширлик, илм-фан, адабиёт, маданият, маорифни миллий асосга кўчиришга интилиш кучайди;

2) I жаҳон уруши Россия империясидаги аҳволни янада мураккаблаштириб юборди, унинг ҳудудида сиёсий ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу даврда жадидчилик ўта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиб, унинг ғоялари асосида сиёсий партиялар тузилди;

3) 1917 йил октябрида Россиядаги давлат тўнтаришидан кейин Кўқонда Туркистон Мухторияти тузилди ва орадан бир йил ўтмасдан, большевиклар томонидан зўравонлик билан йўқ қилинди. Мухторият раҳбарлари, уни эълон қилишда иштирок этган ёки унга хайриҳоҳ бўлганлар ҳам бадарға ва қувғин қилинди, қатағонга учради.

XIX аср охири – XX аср бошларида ижтимоий-тарихий воқелик ва жадид тарақкийпарварларининг сиёсий ва маданий-маърифий маслаклари тақозоси билан жадид адабиёти шаклланди. Бинобарин, ўша даврдаги иқтисодий ҳаётда, маориф, матбуот ва турмуш тарзида қарор топаётган ислоҳотчилик кайфияти адабиёт ва санъатни ҳам четлаб ўтмади, анъанавий йўсиндаги адабиёт ўрнига янги, замонавий адабиёт, янги адабий тур ва жанрлар, ҳатто янги адабий тил шакллана бошлади, публицистика, адабий танқид пайдо бўлди, бармоқ вазnidаги ижтимоий, маърифий шеърият, роман, ҳикоя, драматургия майдонга келди. Жадидчилик адабиётининг Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Сидқий Хондайликий, Фитрат, Садриддин Айний, Тавалло, Нозимахоним, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар, Сўфизода, Иброҳим Даврон, Абдулла Бадрий, Нусратулла Қудратулла-Миллий, Хуршид, Чўлпон каби ўнлаб намояндлари етишиб чиқди. Ҳатто анъанавий адабий шаклларда ижод

этган Завқий, Нодим, Ибрат, Саидаҳмад Васлий, Каримбек Камий, Хислат, Мискин, Аваз Ўтар, Баёнийлар ижодида ҳам давр воқелиги, замонавий ғоялар аruz вазнида ўз ифодасини топди. Булар ҳам, тараққийпарвар ёшлар қатори, маърифатпарварлик қарашларини шеърга солиб ёки мақола шаклида матбуот саҳифаларида фаол қатнашдилар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, жадид адабиёти ушбу ҳаракат ғояларини акс эттирувчи бадиий ҳодиса бўлибгина қолмади. Балки шу ҳаракат замирида туғилди, унинг мақсад ва вазифалари тақозосига кўра майдонга келди, ўша давр маънавий ҳаётига таъсир кўрсатди. Жадид мактаблари – халққа ҳамма нарсадан бурун маърифат тарқатиш, замонавий илм-фанни сингдириш зарурлиги ҳақидаги фикр жадидларнинг маърифатчилик фаолиятидаги энг асосий мақсад эди.

Жадидчиликнинг пойдевори, тамал тоши – усули жадид мактаби эди. Зеро, «янги» маънони берувчи «жадид» истилоҳи кириб келишининг ўзи айнан янги усулдаги мактаблар билан боғлиқ. 1895–1910 йиллар орасида Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон каби барча йирик шаҳарларида, қишлоқларида Бухоро амирлиги ва Хива хонликларида ўнлаб «усули савия» мактаблари очилди. 1903 йиллардан жадидчилик матбуоти учун маҳсус дарсликлар тузила бошланди, лекин бу ишлар ғоят қийин кечди. Бироқ мустабид ҳукумат ва маҳаллий мутаассибларнинг қаршилигига қарамай, жадидларнинг саъй-ҳаракатлари билан «усули жадид» мактабларининг тармоғи кенгайиб борди. Чинакам маърифат ўчоғига айланган, маданий таназзулдан сақланиш ва жамият маънавиятини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этган янги усул мактабларининг сони 1917 йил бошларига келиб 92 тани ташкил этди.

Жадидлар маслагининг амалга ошишида мактаблардан кейинги асосий ўринни матбуот эгаллайди. «Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи» мақоласида Абдулла Авлоний 1905–1917 йиллар давомида ўзбек тилида 23 та газета ва 8 та журнал чоп этилгани ҳақида маълумот беради. «Тараққий» (1906 йил, муҳаррири Исмоил Обидий), «Хуршид» (1906 йил,

муҳаррири Мунаввар қори), «Шуҳрат» (1907 йил, муҳаррири А.Авлоний), «Осиё» (1908 йил, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), «Самарқанд» (1913 йил, муҳаррири М.Беҳбудий), «Садойи Туркистон» (1914 йил, муҳаррири Убайдуллахўжа Асатуллахўжа ўғли), «Садои Фарғона» (1914 йил, муҳаррири Обиджон Маҳмудов) каби қатор газеталар ҳамда «Ойина» (1913–1915 йиллар, муҳаррири М.Беҳбудий), «Ал-ислоҳ» (1915–1918 йиллар) каби журналлар шулар жумласидандир. Афсуски, сал ўтмай бу ҳаракат бўғиб қўйилди. Собиқ иттифоқ даврида жадидчилик ғоявий-мафкуравий жиҳатдан оқланмади, жадидчилик адабиёти тақиқланди. Гарчи 60-йиллардан кейин бу ҳаракат намояндаларининг айримлари адабий доираларда тилга олина бошлаган бўлса-да, уларга нисбатан умумий тақиқлар ўзгармай қолаверди. Фақат мустақилликдан кейингина бу борада туб ўзгаришлар учун имконият яратилди.

Хозирги даврга келиб, биринчидан, жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида эътироф этилди, унинг хизматлари тан олинди. Иккинчидан, жадид адабиёти миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, ўнлаб китоблар, турли асарлар нашр этилмоқда, кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Учинчидан, кейинги йилларда асрлар давомида орзу қилинган, жадидлар ҳам интилиб келган эзгу ғоялар амалга ошмоқда, юртимиизда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш имкони пайдо бўлди.

Россия империяси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини бўйсундиргач, босқинчилик юришларининг узвий давоми сифатида Фарғона водийсида Пўлатхон қўзғолонини бостириш баҳонасида амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар «муваффақиятли» яқунланди. 1876 йил 19 февралда Кўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти ташкил этилганлиги расман эълон қилинди. Фарғона вилояти худудий жиҳатдан 5 та уезд (Марғилон, Кўқон, Наманган, Андижон, Ўш)дан иборат бўлиб, унинг маркази Янги Марғилон (1907 йилдан Скобелев - И.А.) шахри эди. Наманган уезди

вилоятда ўзига хос нуфузга эга бўлиб, у ҳам ўз навбатида волостларга бўлиб идора қилинган. Наманган уезди 19 та волост (Капа, Тўрақўрғон, Ахси-Шаҳанд, Варзиқ, Поп, Олмос, Чодак, Ашт, Бободархон, Нанай, Боястон, Косон, Тергачи, Бағиш, Сару, Янгиқўрғон, Чорток, Уйчи, Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана 430 Пешқўрғон) дан иборат бўлиб, 1900 йилги маълумотларга кўра, уезд аҳолиси 314300 кишини ташкил этган . 1886 йил ҳолатига кўра, Наманганда 42 та мадраса бўлиб, уларда 1169 нафар талаба таҳсил олган. Қориҳоналар сони 38 та бўлиб, унда ўқувчилар 233 нафарни, мактаблар сони 301 та бўлиб ўқувчиларнинг 5600 нафарини эрлар, 590 нафарини эса қизлар ташкил қилган. Намангандаги умумий ўқув юртларининг сони эса 381 та бўлиб, ўқувчилар сони 7601 нафарни ташкил этган.

1900 йил маълумотларига кўра, Наманган уездининг энг йирик шаҳри ва маъмурий маркази Наманган шаҳри бўлиб, унда 61388 нафар аҳоли яшаган. Шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида 11425 хонадон, 347 масжид, 16 мозор, 6 қаландархона, 74 эрлар мактаби, 13 қизлар мактаби, 20 мадраса, 35 қориҳона мавжуд бўлса, руслар яшайдиган қисмида эса уезд бошқарув маҳкамаси, турма, почта-телеграф контораси, ҳарбий бошқарма, 14-Туркистон ўқчи батальони казармаси, М.Архангельский номли черков, рус-тузем мактаби, касалхона, дорихона ва 40 та хонадон жойлашган эди . XIX асрнинг иккинчи ярмида Кримда вужудга келган жадидчилик ғоялари Россия империясининг турк-мусулмон дунёсига шиддат билан ёйила бошлиди. Жадидчилик ғояларининг асосчиси И smoил Гаспиринский ва унинг издошлари бўлган татар маърифатпарварлари Туркистон ўлкасида ҳам фаол ҳаракатлар олиб бордилар. Туркистон ўлкасининг барча худудларида бўлгани каби Наманганда ҳам татар маърифатпарварлари самарали фаолият олиб борганлар. Татар муаллимларининг Туркистон ўлкасига «ноқонуний» равишда кириб келиб, ҳукумат рухсатисиз мактаблар очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишилари ҳамда аҳоли томонидан улар фаолиятини қўллаб-

кувватланиши мустамлакачи маъмуриятни жиддий ташвишга солди. Шу муносабат билан Туркис- Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистанатон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф.Керенскийга татар муаллимлари фаолияти билан жиддий шуғулланиш вазифаси юклатилади. Ф.Керенский Туркистон ўлкасининг барча вилоят губернаторлари ва уезд бошлиқларига маҳсус хатлар йўллаб, ўз худудларида фаолият олиб бораётган татар муаллимлари ҳақида тўлиқ маълумот беришларини сўрайди. 1898 йил 1 августда Наманган уезди бошлиғидан олинган маълумотга кўра, Наманган шахрининг Сардоба даҳасидаги Оққошибош масжидида татар муалими Қорабой Баширов маҳаллий ахоли болаларини йилига 2 сўмдан 2,5 сўмгача, Чуқуркўча даҳасида ҳам татар муалими Иззатулла қори Таҳмуллабаев 10 нафар татар, 10 нафар сарт (ўзбек – И.А) болаларини ўз уйида йилига 1 сўмдан 2 сўмгача ҳақ эвазига ҳукумат рухсатисиз ўқитаётганликлари аниқланади . Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракати тарихи бўйича тадқиқот олиб борган Т. Қозоқов Наманганда дастлабки жадид мактабининг очилишини таниқли жадид мунаvvари Исҳоқхон Ибрат номи билан боғлайди ва унинг санасини 1910 йил, дея кўрсатади . Бизнинг тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, Наманганда дастлабки янги усул мактаблари XIX асрнинг охирларида вужудга келган. Наманганлик тараққийпарварлар Крим (Боқчасарой)да нашр этилаётган “Таржимон” газетаси ва унинг мухаррири, машхур маърифатпарвар И. Гаспринский билан ҳамкорлик ўрнатганлар. Наманганлик Ҳожи Муҳаммадали Ҳожи Муҳаммад Каримов томонидан 1903 йил сентябрда “Таржимон” газетасига ёзилган мақолада Исломил Гаспринскийга юборган мактуби учун миннатдорчилик билдирилган. Муаллиф, 1903 йил 15 июлда Наманган шаҳридаги жадид мактабида жуда катта имтиҳон ўтказилгани, унда 500 киши, жумладан муфтий, қозилар, оқсоқоллар, шаҳар аёнлари иштирок этгани қайд этиб, дин ва дунё уламолари ўқувчиларнинг эгаллаган илмларидан ҳайратга тушганликлари, Ҳожи Муҳаммадсадик Ҳожи Муҳаммадсолих ўғли имтиҳон ҳаражатлари

ҳамда йиғилганларга овқат ва Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана 432 қаҳва зиёфати ҳаражатларини таъминлаб бергани, илм ва маърифатга рағбат ортганини маълум қилган. Намангандаги бу тадбирдан мамнун бўлган “Таржимон” газетаси таҳририяти томонидан: “Намангандаги фозил қардошларимизнинг бўйла ҳиммат ва илма ўлан муҳаббатлариндан ўтри табрик ва ташаккур эдиориз. Аллоҳ жумлай ҳайр ва фойдали амаллар ва ишлар насиб айласун”, - дея миннатдорлик билдирган . Фаргона водийсидаги жадидчилик ҳаракати тарихида муҳим ўрин тутган шахслардан бири шубҳасиз, Тўракўрғон қозиси Исҳоқхон Ибрат (1862-1937) ҳисобланади. Исҳоқхон Ибрат билан яқиндан ҳамкорлик қилган Охунзода Абдулрауф Шаҳидуллин “Таржимон” газетасига ёзган мақоласида қимматли маълумотлар келтирган. Жумладан, унинг ёзишича, 1907 йил июнда Тўракўрғонда Исҳоқхон Ибратнинг маблағи ҳисобидан “Мактаби Исҳоқия” номли янги усул мактаби очилган. Мактабнинг очилишида таниқли кишилар иштирок этган. “Мактаби Исҳоқия”да таълим бериш янги усулда, болаларнинг ёшига қараб кундузги ва кечки тартибда ташкил қилинган. Кундузги бошланғич синфлар учта, ўрта синфлар биттани ташкил қилган. Шунингдек, катта ёшли болалар учун кечки иккита синф очилган. Болаларни ўқитиш учун Исҳоқхон Ибрат бир муаллим таклиф этган бўлиб, яна қўшимча муаллим жалб қилиш кўзда тутилган эди. Мактабни ташкил қилиш учун Исҳоқхон Ибрат 1000 рубль маблағ сарфлаган. Мактаб муаллимининг маоши учун ўз мулки бўлган ҳаммомдан тушадиган маблағнинг 300 рублини ажратган. О.А.Шаҳидуллин мазкур мактабни бу худудда ягона ва мунтазам эканлигини таъкидлаб, “... бу куна қадар бизим диёrimизда буйла мунтазам мактаб вужуда келмадикиндан “Мактаби Исҳоқия” бир нежи дафъа ўлароқ вилоятимиза намуна ўлуб диёр ҳази илм ва маърифат нури ила таниюр этмасини жаноб худодан рижо ва ниёз эдариз”, - дея тилак билдирган . Мақолада О.А.Шаҳидуллин Исҳоқхон Ибратнинг шахсий ҳаёти ва сифатлари ҳақида тўхталиб, унинг Кўқон мадрасасида таҳсил олгани, Арабистон ва

Ҳиндистонда узоқ вақт сафарда бўлиб, кўп тажриба орттиргани, илмлар ўргангани, мукаммал тарзда араб, форс, рус, арман, ҳинд, турк тилларини билиши, мусулмон (араб) хати бўйича яхши мутахассис эканлиги, нақш ва расм чизишда моҳир бўлгани ҳамда бунинг учун ҳукумат томонидан медаль билан тақдирлангани ҳақидаги қимматли маълумотларни келтиради. Ибратнинг “Олти тилли луғат” тузганлиги, араб, форс тилларида шеърлар, риёзиёт бўйича асарлар ёзгани, айни вақтда Туркистон тарихи бўйича китоб устида ишлаётгани миллатга хизмат йўлидаги улуғ ишларидан эканлигини қайд этади. “Таржимон” газетасининг ilk сонларидан бошлаб муштариysi бўлиб, уни доимо ўқиб боришини ёзади . XX аср бошларига келиб татар маърифатпарварларининг туркистонлик тараққийпарварлар билан маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорликлари янги босқичга кўтарилди. Жадидлар фаолиятидан жиддий ташвишга тушган рус маъмурлари уларга қарши «пантуркизм» («туркпарамастлик») ва «панисломизм» («исломпарамастлик») деб ўйлаб чиқарилган ғоялар асосида кураш олиб бордилар. Россия империясининг сиёсий ва махфий полицияси бўлган Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ)нинг асосий фаолияти ҳам тараққийпарварлар фаолиятини назорат қилиб боришдан иборат эди. ТРМБ айгоқчилари Фарғона вилоятида ҳам фаол фаолият олиб борганлар. Хусусан, «шахрисабзлик» лақабли махфий хизматчи томонидан 1913 йил 8 марта ТРМБ бошлиғи полковник Сизихга юборилган маълумотга кўра, Наманган шаҳрида 4 нафар татар муаллими яшаб, маҳаллий аҳоли болаларини ҳукумат рухсатисиз ўқитаётганлиги ва маҳаллий аҳолининг улар фаолиятига хайриҳоҳлиги билдирилган . Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясининг 1910 йил 28 май даги 8829-сонли кўрсатмасига мувофиқ, Фарғона вилояти уездларидаги янги усул мактабларида татар муаллимларининг дарс беришлари ман этилганига қарамасдан нафақат Наманган уезди, балки Туркистон ўлкасининг кўпгина ҳудудларида халқнинг ҳоҳиш истагига кўра, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишида давом этганлар. Наманган уезди маданий ҳаётида айниқса татар

маърифатпарварлари Ҳ.З. Макаев ва унинг хотини Ф. Макаевалар муҳим ўрин тутадилар. Асли Саратов губернияси, Хвалинск уезди, Янги Кулатка қишлоғидан бўлган Ҳ.Макаев 1904 йилда татар мутассибларининг таъқиби остида ўз Ватанини ташлаб чиқишга мажбур бўлади. 1904-1906 йилларда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Ф.Керенскийнинг рухсати билан Янги Марғилонда очилган мактабда маҳаллий аҳоли болаларига сабоқ беради . Унинг 1907 йилдан кейинги ҳаёти бевосита машҳур ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат билан боғлиқ бўлди. Тўракўргонга таклиф этилган Ҳ.Макаев Ибрат томонидан ташкил этилган, янги усул мактабида маҳаллий аҳоли болаларини ўқита бошлайди. Янги усулда ташкил этилган мактабда унинг фаолияти тезда ўз самарасини бериб, маҳаллий аҳоли болаларининг тезда саводи чиқади. Бу ҳол унинг обрўсини янада ошишига сабаб бўлади. Исҳоқхон Ибрат Ҳ. Макаевнинг фаолиятига қўйидагича баҳо беради: “Қозон тарафиндан бир муаллим жалб эдуб, мактаб қилиб бердим. Мактабнинг қушодига (ташкил бўлганига) уч ой бўлғани йўқ, йигирмадан зиёда кичик болалар, ўн бешта одамлар “алиф нима?” деган саволина “калтак” деб жавоб берувчилар тамом саводи чиқиб, ҳар нарсани ёзадурган бўлдилар” . Исҳоқхон Ибрат 1907 йилда Оренбургда литографик асбоб-ускунларни сотиб олиб, Тўракўргонга келтиради. Янги босмахонани ишга тушуради Ҳ.Макаев билан биргалиқда яна бир татар зиёлиси Абдулрауф Шагидуллин (Шаҳидий) жонбозлик кўрсатди . 1908 йилдан А.Шагидуллин мудирлигида “Матбааи Исҳоқия” ўз фаолиятини бошлади. А. Шагидуллин 1990 йилда нашр этилган Ибратнинг “Илми Ибрат” шеърий рисоласига муҳаррирлик қилди ва унга сўнгги сўз ёзди. У 1908-1909 йиллар давомида “Матбааи Исҳоқия”га мудирлик қилди.

А. Шагидуллин босмахона ишларидан ташқари Тўракўргонда янги усул мактаби ҳам ташкил этиб, унда 20 нафар маҳаллий аҳоли болаларини ўқита бошлади. Унинг мактаби тезда шуҳрат қозонган бўлса-да, ҳукумат рухсатисиз очилганлиги сабабли кўп ўтмасдан ёпилди . 1910 йилда “Матбааи Исҳоқия” Наманганга кўчирилди. Шу даврдан бошлаб 1913 йилга

қадар босмахонага мудирлик қилган Ҳ. Макаев, унинг тараққиёти йўлида тер тўкиб ишлади. 1913-1917 йилларда босмахонага М.Н. Абдусатторов мудирлик қилган бўлсада, Ҳ. Макаевнинг фаолияти шу ер билан боғлиқ бўлиб қолаверди. 1917 йил феврал воқеаларидан сўнг Ҳ. Макаев янада фаол меҳнат жабҳасига кирди. Хусусан, март ойида унинг муҳаррирлигида “Фарғона саҳифаси” газетаси ўзбек тилида нашр этила бошлади. Газетанинг моддий таъминоти яхши бўлмаганлиги учун уни 40 тагина сони босмадан чиқди холос. Наманганд босмахонаси ишини такомиллаштириш мақсадида Ҳ.Макаев 1918 йил 10 январда Қозонга келди. М. Идрисов босмахонасидан 71 пуд араб шрифтини Намангандга олиб келди. У 1918 йили Наманганд “Ишчилар қалқони” газетасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Ўша пайтда Наманганд босмахонасида тажрибали татар ва бошқирд миллатига мансуб матбаачи кадрлар жамланган эди. Ҳ. Макаев 1921-1928 йилларда Наманганд давлат босмахонасини бошқарди. 1929 йилда араб графикасига ўтилгач, у яна педагогик фаолиятига қайтди. Ўрта маҳсус маълумотли кадрлар тайёрлаш курсларида умрининг охиригача меҳнат қилди. Илғор фикрли, халқ дарди билан ёниб яшаган кишилар совет ҳокимиятининг “душмани” деб қаралган ўша кезларда Ҳ. Макаев ҳам “халқ душмани” сифатида 1937 йил қатағон қурбони бўлди . Ҳ. Макаевнинг умр йўлдоши бўлган Ф. Макаева ҳам аёллар мактабида ўзбек хотин қизларига дарс берди.

Наманганд 1919 йилда илк бор очилган Жадидлар XIX аср охири – XX аср бошида Россия империясида мусулмон модернист ислоҳотчилари бўлган. Улар ўзини “тараққийпарвар”, “зиёли” ёки фақат “Ёшлилар” деб атаган кишилар эди. Гарчи ҳаракат ичида жиддий мафкуравий келишмовчиликлар бўлган бўлса-да, жадидлар аксил-клерикал ҳаракат бўлган, таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интилган. Умуман олганда, уламо ва ислом руҳонийларига қарши муваффақиятли кураша олган бўлса-да, улар ҳам совет давлатининг қурбони бўлди. Жадидлар

маҳаллий буржуазия ва аксил-инқилобий гумашталар сифатида қораланди ва кўпчилиги отиб ташланди.

Шунинг учун жадидлар – ёшлар, бу эса ёшлар ҳаракати эди. Маълум бўлишича, машҳур жадид ва ёшларнинг севимли ёзувчиси Чўлпон 1910 йилда 13 ёшда, Беҳбудийнинг ёши эса 30 ошиқроқ бўлган экан. Ўша ҳаракат иштирокчилари фақат ёшлардан иборат экани маълум бўляпти. Айни масалага ёнгдашилганда, шундан келиб чиқиш керак бўлади. Бу ёшлар интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва Туркистоннинг жаҳон тараққиётидан орқада қолаётгани сабабларини тушунар эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, маърифатпарварликнинг чуқур илдизлари бўлиб, фақат жадидчилик кўринишида зухур бўлгани йўқ. Унинг маърифатпарварлик илдизлари ҳам бор эди ва жадидчилик ушбу ҳаракатнинг аккумулятори – кувват йиғувчиси бўлди. Албатта, у олдинги адабиёт, олдинги фалсафа ютуқларига асосланган. Жадидлар ўзини ушбу фалсафанинг таҳлилчилари сифатида ҳам намоён қилди. Биламизки, машҳур маърифатпарвар Аҳмад Доңиш, шоирлар Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Убайдулла Завқий, Муҳаммад Баёний, Абай Қўнонбоев ва олим Чўқон Валихонов ислоҳотнинг ҳассос тарафдорлари бўлган, улар боши берк кўчадан чиқиши нафақат маърифатда, қолаверса, туркий халқлар бирлигига кўрган. Ўтмишдошларидан анча олдинлаб кетган ва маърифатпарварликдан сиёsatга ўтган жадидлар шу заминда униб чиқкан. Жадидчилар аёллар ўртасида саводсизликни тугатишда, паранжи ташлаш (“Хужум”) ҳаракатларида фаол иштирок этди. 1909 йил маълумотларига кўра, Намангандеги уездидаги 20 та кутубхона мавжуд бўлиб [10: 182], унинг 13 таси Намангандеги шаҳрида эди. Татар зиёлиси Исҳоқ Шарипов томонидан биринчиларидан бўлиб китоб дўкони очилиб, унинг дўконида турк, татар ва ўзбек тилларида Истамбул, Тошкент, Қозон ҳамда Намангандеги (“Матбааи Исҳоқия”)да нашр этилган китоблар билан биргаликда “Таржумон”, “Вақт”, “Юлдуз” каби ўз даврининг илғор нашрларининг савдосини ҳам ташкил этган эди. Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлгани каби Намангандеги ва

унинг атроф қишлоқларида татар маърифатпарварлари мустамлака ва мустабид совет тузуми шароитида гўё уйқудаги халқни ғафлат уйқусидан ўйғотиш ва жаҳолатга қарши маърифат воситасидаги қурашда самарали, беғараз халқимизга ёрдам бердилар. Улар фаолиятини янада чукурроқ ўрганиш ва тарғиб қилиш кейинги тадқиқотларимизнинг асосий мавзуси бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Узбек когози. Гулистон журнали 2021й/2.
- 2.Когоз тарихидан. Фан ва турмуш журнали 1999й /3-4.
3. Интернет сайтлаи.